



**ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ КАРИМОВ
АСАРЛАРИ
БИБЛИОГРАФИЯСИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ
АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАРКАЗИ

**ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ КАРИМОВ
АСАРЛАРИ
БИБЛИОГРАФИЯСИ**


Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2009

91.9 : 66
П84

Маъсул муҳаррир:
тарих фанлари доктори,
профессор Анатолий Сагдуллаев

Лойиҳа раҳбари:
сиёсий фанлар доктори,
профессор Нарзулла Жўраев

Тузувчилар:
Нарзулла Жўраев, Назира Абдуазизова, Холмурод Хидиров,
Даврон Муитов, Абдусалом Умаров, Бобокатта Шодиев,
Дилором Ҳикматова



ISBN 978-9943-06-232-0

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009 йил

ТАФАККУРДАГИ УЙҒОНИШ

Янгиликлар назариясининг методологик асослари ҳақида мулоҳазалар

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқбозлик ва зуравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишнинг янги босқичи, ялпи янгиликлар жараёни амал қила бошлади. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли кўрилмаган кенг миқёсда янгиликлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умумжаҳон янгиликлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гуруҳ давлатлар, айна чоғда эса барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Дунё янгиликлари жараёнига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда кириша бошлади.

Ўзбекистон умумсаяёравий ўзгаришлар жараёнлари оқимида узининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиликлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган давлат сифатида узининг кенг имкониятларини намоён эта бошлади.

Ўзбекистонда амалга оширилган фавқулодда кенг кўламдаги ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумбашарий мулжаллар доирасида изчил ва тадрижий кечаётган ялпи ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш ҳамда илмий-назарий умумлашмалар қилиш асносида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиликлар ривожига ўзига хос кечаётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётни мақсадли такомиллаштириш, бу муҳитни умуминсоний ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шарт-шароитлар яратиш,

либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга даъват этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёнлари бошланишига назарий пойдевор қўйилди.

Туб ислоҳотлар сермашаққат ва мураккаб кечувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар, турли мафкуравий таъсир ва таъйиқлар, махсус юзага келтирилган миллий-ижтимоий тангликлар ҳолатлари шароитида мувоффақиятли амалга оширилди. Бу бевосита мамлакат раҳбарининг ўзига хос ноёб истеъдодидан, фаол сиёсий интеллектуал салоҳиятидан, Ислом Абдуғаниевич Каримов **шахсининг фавқулудда феномен** эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ялпи янгиланишлар жараёнини икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. **Биринчиси, мамлакатнинг ички ҳаётида**, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат бўлса, **иккинчи йўналиш, халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш**, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳитида муроса, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш. миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф тугдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

Ўзбекистонда ялпи янгиланишлар жараёни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «**Қонунлар ўзгаришлар жараёнларидан аввал юриши керак**», деган доно методологик кўрсатмаси асосида амалга оширила бошланди. Даставвал, **Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий-меъёрий асослари** («Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», 1993; «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996; «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак», 2002; «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди», 2005) яратилди. Мамлакатнинг истиқлол давридаги янги Конституцияси қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик гоёлари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалди. Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди. **Кўппартиявийлик тизими таркиб топишига** («Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», 1996) кенг шароит яратилди. Жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити

вужудга келди. **Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг** («Янгича фикрлаш ва яшаш давр талаби», 1997) ҳуқуқий асослари вужудга келди. **Суд ҳокимияти** мустақиллик моҳияти ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинди («Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», 1993; «Инсон унинг ҳуқуқи ва эркинликлари - олий қадрият», 2006; «Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир», 2007).

Миллатлараро тотувликни таъминлаш чоралари кўрилди. **Миллий хавфсизлик** концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган **замонавий Қуролли кучлар** тизими яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг («Ўзбекистон. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», 1992) асосий тамойиллари доирасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» («Ўзбекистон. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», 1995; «Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида», 2008; «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», 2009) вужудга келди. Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пул-кредит сиёсати тамойиллари ишлаб чиқилди. Мулкчилик, мулкка эгалик тушунчалари шаклланди. Мулкдорлар табақаси вужудга келди, хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъминлаб берувчи миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», 1993; «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996; «Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли», 2003) **англашда** тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Ал-Мотурудий, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ аждодларимиз ҳақидаги

тарихий ҳақиқатнинг руёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналар тикланиб («Истиқлол йули: муаммолар ва режалар», 1992; «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз», 2000; «Юксак маънавият — энгилмас куч», 2008), янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига айланди («Мақсадимиз - тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик», 1995; «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида», 1998; «Тинглик ва хавфсизлигимиз уз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ», 2004; «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди», 2005). У Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигида узига хос ва узига мос уринга эга бўлиб, минтақа тараққиётида муҳим роль уйнай бошлади. Марказий Осиё давлатлари билан узаро ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йуналишлари ишлаб чиқилди.

Бундай кенг қуламдаги узгаришлар ва янгилинишлар жараёни ижтимоий-гуманитар фанлар олдига чуқур асосланган илмий-назарий таҳлилни, назарий умумлашмалар, хулосалар чиқаришни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Дарҳақиқат, ялпи янгилинишлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ижобий узгаришлар юз бера бошлади. Одамлар тафаккурида, феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янгича қарашлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизими узгарди. Ўзбек менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳада туб янгилинишларга, узгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Президент И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ун олти йиллик мустақил тараққиёт йули” мавзуида қилган маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, истиқлол даврида қўлга киритилган тарихий ютуқлар ҳақида гапирар экан, айна ана шу даврни икки босқичга бўлиб, 1991-2000 йилларни угиш даври, 2000 йилдан кейинги даврни эса мустақил тараққиёт ва изчил ривожланиш даври деб атади. Бу мустақиллик даврини илмий-назарий жиҳатдан урганиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг биринчи босқичи бутунлай янги

тарихий шароитларда миллий давлатчиликка асос солиш, кенг миқёсли сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий янгиланишлар даври бўлди. Иккинчи босқич эса мамлакат тараққиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, барча соҳаларда динамик юксалиш даври сифатида тарихга кирди. Истиқлолнинг илк давридан бошлаб, маънавий камолот, руҳий етуклик ва юксак маърифатлилик асосида маънавий баркамол жамиятни барпо этишни муҳим вазифа қилиб қўйган Президент И.А.Каримов ўтган давр мобайнида тупланган тажрибалардан келиб чиқиб, “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли концептуал аҳамиятга эга бўлган фундаментал асарини яратди. Бу китоб Ўзбекистонда янгиланаётган жамиятнинг маънавий асослари сифатида дунёга келди

Ўзбекистон давлати жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига, жумладан инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган умумсайёравий масалаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдираётган, глобал муаммоларни ҳал этишда ўзининг қатъий позицияси билан фаол иштирок этаётган давлатлар қаторида туради. Ўзбекистон раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишинг йулари ва чоралари” номли китоби бунга яққол мисол бўлади. Ушбу китоб жаҳон иқтисодчилари, олимлари ва сиёсий арбоблари томонидан юксак баҳоланди ва дунёнинг бир қатор давлатларида турли тилларга таржима қилиниб, чоп этилди.

Президент Ислом Каримовнинг жамиятни тубдан янгилаш концепциясини инсоният тарихининг турли даврларида, турли мамлакатларида юз берган туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар ҳодисасига қиёслаш мумкин.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш назарияси ва кўп қиррали ислоҳотлар концепциясини яратиши жиҳатидан Америка Қўшма Штатлари давлатининг асосчиси ва унинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон, Америка иқтисодий тараққиётига жуда катта илмий-назарий ва амалий таъсир кўрсатган ислоҳотчи, Президент Авраам Линкольн, жамиятни эркинлаштириш ва демократия назариясининг асосчиларидан бири, Президент Томас Жефферсон, Индонезияда мустамлакачиликка қарши курашган, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари туғрисида қатор асарлар ёзган Аҳмад Сукарнолар билан бир қаторда туради. Францияда Шарл де Голл, Ҳиндистонда Жавахарлаъл Неру, Маҳатма Ганди, Туркияда Мустафо Камол Отатурк, Мисрда Жамол Абдул Носир ва бошқалар ўзининг сиёсий фаолияти, янгиланишлар концепциясини ишлаб

чиқиши билан жаҳон тараққиётига қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, Президент Ислом Каримовнинг давлат сиёсатини инсон манфаатларига хизмат қилдириш, тинчлик маданиятини қарор топтириш, ижтимоий ҳамкорлик доираларини кенгайтириш борасидаги қарашлари, амалий концепциялари дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларининг инсонийлашуви тенденцияларини мустақамлашга шунчалик муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айни пайтда жаҳон ислоҳчилик тажрибаси «Ўзбек модели» пайдо бўлганлигини тан олмақда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгиликлар бевосита Президент Ислом Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Демак, туб ислоҳотлар моҳиятини ҳар томонлама ўрганадиган, уни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этадиган ҳар бир киши Ислом Каримов асарларига мурожаат этиши, уни жиддий равишда мутолаа этиши зарур.

Зеро, Президент И.А.Каримов томонидан яратилган янгиликлар концепцияси **кеча, бугун ва эртадан** иборат катта воқеликни яхлит идрок этишга йўл очади. Янгиликлар концепцияси ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамияти доирасидан муносиб ўрин олишида, ўзлигини англашида, озод ва обод жамият қуришида, юртимизни буюк маърифат мамлакатига айлантиришдек муқаддас мақсадларга эришишимизда абадий ва қудратли маёқ бўлиб, йўлларимизни чароғон этиб туради.

Айтиш мумкинки, мустақилликнинг ўтган даврида ўзбек миллий фани тараққиётининг янги даври бошланди. Бу бевосита янги тарихий шароитларда вужудга келган бутунлай янги тафаккур тарзи, илмий тадқиқот ишларида янгича ёндошув шакли сифатида Президент И.А.Каримов ғоялари асосида дунёга келди, шаклланди. Илмий, назарий ва амалий жиҳатдан жиддий синовлардан ўтган етук ва баркамол таълимот сифатида вужудга келди. Демак, Президент И.А.Каримов асарлари Ўзбекистон фанининг барча соҳаларини ривожлантиришда энг муҳим **методологик асос** бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам «**Президент И.А.Каримов асарлари библиографияси**» яратилди. Ушбу китоб кўп сонли илмий ходимлар, тадқиқотчилар, олимлар, ўқитувчилар, талабалар ва қолаверса, кенг китобхонлар оммаси учун зарур қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Нарзулла ЖУРАЕВ,
*сиёсий фанлар доктори,
профессор.*

1. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

1. **Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.**
Т.1. —Т.: Ўзбекистон, 1996. —364 б.

Китобдан мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X сессияси (1992 йил 2-3 июль), XI сессияси (1992 йил 8-10 декабрь), XII сессиясида (1993 йил 6-7 май) ҳамда Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида (1993 йил 18 июнь), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрушувида (1993 йил июль) сузлаган нутқлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдаги (1993 йил 4 март) суҳбати ва «Комсомольская правда» газетаси (1993 йил 12 февраль), «Труд» газетаси (1993 йил 26 май) мухбирлари саволларига жавоблари урин олган. Уларда истиқлолга эришган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, асарда Президент Ислон Каримов томонидан 1992—1993 йилларда миллий давлатчилигимиз демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланиши, унда миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини йўлга қўйиш, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини қамраб олган ички сиёсат ҳақида билдирилган ғоялар илгари сурилади. Китобда Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати ва келажаги буюк давлат эканлиги ҳақидаги Президент И.А.Каримовнинг қарашлари, концепцияси китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

2. **Ўзбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология.** Т.1. —Т.: Ўзбекистан, 1996. В этот том вошли речи, статьи, интервью Президента Республики Ўзбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова. Здесь нашли отражение основные положения внутренней и внешней политики республики, ставшей на путь независимости, принципы построения суверенного, демократического государства и актуальные задачи осуществления коренных преобразований в области экономики, политики и духовной сферы.

3. **Биздан озод ва обод ватан қолсин.** Т.2. —Т.: Ўзбекистон, 1996. —380 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ушбу китобига республикада бозор муносабатларини йўлга қўйиш, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳамда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган асарлари киритилган. Уларда янгиликларни жараёндаги мураккабликлар ва тўсиқларни енгиш йўллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, китобда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн иккинчи чақирғи XIII сессиясида (1993 йил 2–3 сентябрь), XIV сессиясида (1993 йил 28 декабрь), XV сессиясида (1994 йил 5 май), XVI сессиясида (1994 йил 22 сентябрь) ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши (1993 йил 9 октябрь), Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши (1994 йил 18 март), Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши (1994 йил 15 июль) ва Тошкент вилоят Кенгаши сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида (1994 йил 18 февраль) сузлаган нутқлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, китобда мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида (1993 йил 28 сентябрь), Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси Кенгаши йиғилишида (1994 йил 25 январь), ЕХХТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган (1994 йил декабрь) конференциясида, Давос шаҳрида ишбилармонлар доиралари вакиллари билан учрашувда (1995 йил январь), Швейцариянинг Альтендорф шаҳридаги Ўзбекистон Савдо уйининг очилиш маросимида (1995 йил январь) ва бошқа турли халқаро анжуманларда ҳамда учрашувларда сузлаган нутқлари ҳам жамланган.

Даврлаштириш нуқтаи назаридан китобда, асосан, Президент Ислам Каримовнинг 1993–1995 йиллардаги давлат раҳбари сифатида олдинга сурган ғоялари ўз ифодасини топганки, бу тарихий давр

муаллиф ибораси билан айтганда «бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг булган тарихий давр» сифатида инсоният тарихи зарварақларидан урин олмоқда.

Шунингдек, китобхон ушбу асарда ислохотларнинг «узбек модели» асосчиси И.Каримов уй-ташвишлари билан яқиндан танишиши мумкин.

4. Наша цель: свободная и процветающая родина. Т.2. —Т.: Узбекистан, 1996. —381 с.

В этот том вошли труды Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященные проблемам перехода республики к рыночным отношениям, ускорения экономических реформ, защиты частной собственности и предпринимательства, преодоления сложностей и препятствий на пути обновления, а также включены речи и выступления на сессиях Верховного Совета Республики Узбекистан, во время зарубежных поездок, на международных форумах, на заседаниях Кабинета Министров и других встречах.

5. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. —Т., Узбекистон, 1996. — 366 б.

Ушбу тўпламдан Президентимиз И.А.Каримовнинг мамлакатимизда бозор муносабатларини тобора такомиллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган машҳур асарлари, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи (1995 йил 23 февраль), иккинчи (1995 йил 5 май) сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида(1995 йил 16 май; 1995 йил 29 июль) ҳамда халқаро миқёсдаги анжуманлар, яъни Дания пойтахти Копенгагенда утган халқаро конференцияда (1995 йил 12 март), Қозоғистонда Узбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида (1995 йил 20 май), Бишкекда туркий тилли давлат бошлиқларининг учрашувида (1995 йил 28 август) ҳамда «Манас» эпосининг 1000 йиллиги тантаналарида (1995 йил 28 август) ва турли учрашувларда, йиғилишларда, анжуманларда сўзланган нутқлари, суҳбатлари урин олган.

Хусусан, асардан мустақил Узбек давлатчилигининг асосчиси Ислам Каримов ғояларида туб ислохотларни амалга оширишдаги ноёб қирралар, минтақавий ва жаҳон муаммоларига булган муносабат ҳамда утиш даврида куп миллатли мамлакатда миллий

ва миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш борасидаги назарий хулосалар урин олган.

6. Родина священна для каждого. Т.3. —Т.: Узбекистан, 1996. — 350 с.

В этот том вошли труды И.А.Каримова, посвященные вопросам развития страны, ускорения экономических и социальных реформ, а также включены доклады и выступления на сессиях Верховного Совета и Олий Мажлиса, заседаниях Кабинета Министров Республики Узбекистан, на международных форумах и других встречах.

7. Бунёдкорлик йулидан. Т.4. —Т.: Ўзбекистон, 1996. —349 б.

Ушбу жилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1995-1996 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи (1995 йил 30 август) ва тўртинчи (1995 йил 21 декабрь) сессияларида, шунингдек, Халқ депутатлари Самарқанд (1995 йил 21 ноябрь) ва Қашқадарё (1995 йил 29 ноябрь), Хоразм (1996 йил 16 март) вилоят Кенгашлари сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида (1996 йил 29 февраль) сузлаган нутқлари, халқаро миқёсда утказилган Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент Кенгаш-семинарида (1995 йил 15 сентябр), БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида (1995 йил 24 октябрь), ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида (1996 йил 24 апрель, Париж), «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида (1996 йил 24 апрель, Париж), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг IV учрашувида (1996 йил 14 май, Ашгабат), Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувларда (1995 йил 29 декабрь; 1996 йил 12 апрель) ва бошқа анжуманларда, учрашувларда сузлаган нутқлари, суҳбатлари уз ифодасини топган.

Китобда И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг маънавий асосларини яратиш, шунингдек, мустақил давлатимизда миллий хавфсизликни таъминлаш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, инсоният тақдирини ҳамда мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини белгиловчи муҳим омиллардан бўлган ташқи сиёсат стратегияси баён этилган.

8. По пути созидания. Т.4. —Т.: Узбекистан, 1996. —350 с.

В данный том вошли речи, выступления Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова на сессиях Олий Мажлиса Республики Узбекистан, международных форумах и других встречах, на заседаниях Кабинета Министров Республики, а также интервью.

9. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. —Т.: Узбекистон, 1997. —382 б.

Китобдан И.А.Каримовнинг 1996 йил мобайнида ва 1997 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август), VII сессиясида (1996 йил 26 декабрь), Халқ депутатлари Жиззах (1996 йил 25 октябрь), Сирдарё (1996 йил 28 октябрь), Наманган (1996 йил 6 ноябрь), Бухоро (1996 йил 14 декабрь), Фарғона (1997 йил 14 февраль) вилоятлари Кенгаши сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида (1996 йил 25 июль; 1997 йил 26 февраль) сузлаган нутқлари ўрин олган бўлиб, уларда республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазият теран таҳлил этилган. Мавжуд имкониятларга қарамай, халқ ҳужалигининг кўп соҳаларида қолоқликка йўл кўйилаётганига эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, ушбу китобда 1996 йилдаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёни муайян таҳлил этилиб, Ўзбекистон ҳукуматининг манфаатдор давлат ва ижтимоий тизимлар билан биргаликда инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури йўналишлари туғрисида муҳим таҳлилий фикрлар берилган.

Шунингдек, китобдан халқаро миқёсда ўтказилган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида (1996 йил 22 июнь, Франция), АҚШ Ишбилармон доиралари вакиллари учун ўтказилган брифингда (1996 йил 24 июнь, Вашингтон), АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида (1996 йил 25 июнь, Вашингтон), Миллий матбуот клубида ўтказилган матбуот конференциясида (1996 йил 26 июнь, Вашингтон), Ўзбекистон нефть-газ тармоғида инвестиция имкониятларига бағишланган конференцияда (1996 йил 27 июнь, Хьюстон), «Эрон груп оф энерги компаниес» раиси жаноб Кеннод Лей Ўзбекистон Президенти шарафига уюштирган қабул маросимида (1996 йил 27 июнь, Хьюстон), Ўзбекистонда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция

имкониятлари бўйича ўтказилган анжуманда (1996 йил 28 июнь, Денвер), Тошкентдаги чет эл дипломатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган брифингда (1996 йил 5 июль), пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида (1996 йил 7 октябрь), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида (1996 йил 3 декабрь), турли тантанали маросимларда, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашувлардаги суҳбатлари, нутқлари ҳам ўрин олган.

10. Мыслить и работать по новому – требование времени. Т.5. —Т.: Узбекистан, 1997. —332 с.

В данный том вошли речи, выступления Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова на сессиях Олий Мажлиса Республики Узбекистан, международных форумах, других встречах, на заседаниях Кабинета Министров Республики, а также интервью.

11. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. —Т.: Узбекистон, 1998. — 429 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ушбу китобидан республика Олий Мажлисининг туққизинчи (1997 йил 29 август) ва ўнинчи сессиясида (1997 йил 25 декабрь), мамлакат Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида (1997 йил 29 июль, 1997 йил 25 август), Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида ва Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида (1997 йил 29 июль) сўзлаган нутқлари ўрин олган бўлиб, уларда мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг бориши чуқур таҳлил қилиб берилган. Бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва қўлга киритилган ютуқлар қайд этиб утилган ва ислохотларни амалга оширишни чуқурлаштиришда қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Шунингдек, китобга халқаро миқёсда ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашувида (1997 йил 13 май), «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясида (1997 йил 15 сентябрь) сўзлаган нутқлари ҳамда турли учрашувларда, йиғилишларда, тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари, суҳбатлари киритилган.

Айниқса, томликдаги Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли машҳур фундаментал асари катта аҳамиятга эга булиб, у мустақил Ўзбекистонни дунёга танитишда, жаҳон аҳлини мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништиришда муҳим урин тутади.

12. По пути безопасности и стабильного развития. Т.6. —Т.: Узбекистан, 1998. — 413 с.

В данный том вошли труды Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, посвященные проблемам безопасности, стабильного и целеустремленного развития, которые решают Узбекистан и другие государства Центральноазиатского региона в настоящее время, а также речи, выступления на сессиях Олий Мажлиса, на заседаниях Кабинета Министров Республики и различных международных встречах.

13. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. —Т.: Узбекистон, 1999. — 410 б.

Ушбу жилдан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чақириқ XI сессиясида (1998 йил 30 апрель), XII сессиясида (1998 йил 28 август), XIV сессиясида (1999 йил 14 апрель) ҳамда республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида (1998 йил 25 февраль; 1998 йил 23 июль; 1999 йил 16 февраль), Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг сессияларида сузлаган нутқлари урин олган. Ушбу нутқларда мамлакат ички сиёсатининг ўзига хос тамойиллари, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш стратегияси, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш, кишилар онги ва тафаккурини тубдан ўзгартириш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари моҳияти ва мазкур йўналишларни муайян шароитларда рўёбга чиқаришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган.

Халқаро миқёсда ўтказилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувида (1998 йил 10 май), Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида (1998 йил 9 июнь), Европа Кавказ — Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга багишланган халқаро анжуманда (1998 йил 8 сентябрь) ҳамда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида

(1998 йил 6 ноябрь) сўзланган нутқлар ҳам ушбу китобга киритилган. Шунингдек, мамлакатда маънавий, маърифий ва маданий мавзуларда ўтказилган турли анжуманларда, маросимларда сўзланган нутқлар ҳамда мамлакат олимлари ва журналистлари билан суҳбатлар, савол-жавоблар ҳам ушбу китобда жамланган.

14. **Свое будущее мы строим своими руками.** Т.7. —Т.: Узбекистан, 1999. —382 с.

В этот том включены доклады Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на сессиях Олий Мажлиса, его речи и выступления на международных конференциях, на заседаниях Кабинета Министров, на разных встречах, а также его интервью. В них дан глубокий анализ принципов внешней и внутренней политики нашей республики, суть стратегии развития страны, реформирования и преобразования нашего общества в преддверии и в первые годы нового, XXI века.

15. **Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.** Т.8. —Т.: Узбекистон, 2000. —528 б.

Китобдан Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XV сессиясида (1999 йил 19 август), Иккинчи чақириқ I сессияси иккинчи йиғилишида (2000 йил 11 февраль), II сессиясида (2000 йил 25 май) қилинган маърузалари, мамлакат Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида (1999 йил 16 февраль; 1999 йил 27 июль; 2000 йил 11 февраль) ҳамда Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг сессияларида қилган маърузалари урин олган. Ушбу маърузаларда Ватанисизнинг озод ва обод бўлишини таъминлашга ва фаровон ҳаёт қуришга дадил интилаётган халқимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, ислохотларни амалга оширишни янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш масалалари ҳамда адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этиш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари моҳияти ва мазкур йўналишларни рўзга чиқаришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган.

Шунингдек, китобдан халқаро миқёсда ўтказилган сиёсий анжуманлар, яъни Афғонистон муаммоларига доир «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви (1999 йил 19 июль) ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул саммитида (1999 йил 18 ноябрь) сўзланган нутқлар ҳам урин олган. Ушбу

нутқларда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳамда кейинги пайтларда Яқин Шарқ мамлакатларида кескин кучайиб бораётган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш ва уларга қарши курашда Ўзбекистоннинг муносабатлари ўз ифодасини топган.

Маълумки, жамиятнинг маънавий қиёфаси миллатнинг утмиш аждолларига муносабати, уларнинг маънавий меросига ҳурмат-эътибори ва миллий қадриятларни қай даражада эъзозлаши билан белгиланади. Худди ана шу тамойилга Ўзбекистонда қандай муносабатда бўлинаётганлиги ушбу китобга киритилган, мамлакатнинг турли ҳудудларида ўтказилган тантанали маросимларда, анжуманларда ва барча вилоятлар аҳолиси, сайловчилар вакиллари билан ҳамда миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувларда сўзланган нутқларда ҳамда журналистлар билан суҳбатларда ўз ифодасини топган.

16. Наша высшая цель – независимость и процветание родины, свобода и благополучие народа. Т.8. —Т.: Узбекистан, 2000. —511 с.

В этот том включены доклады и речи Президента Республики Узбекистан на сессиях Олий Мажлиси, выступления на заседаниях Кабинета Министров, областных Кенгашей народных депутатов. А также речи И.А.Каримова на встрече «6+2», посвященной проблемам Афганистана, Стамбульского саммита ОБСЕ и различных международных совещаний.

17. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т.9. —Т.: Ўзбекистон, 2001. —432 б.

Ушбу жилддан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалари, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг сессияларида, шунингдек, турли халқаро учрашувлар, анжуманларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Шу билан бирга китобдан давлатимиз раҳбарининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан қилган суҳбатлари ҳамда табрик хатлари ҳам жой олган. Бу асарларда Ватанимиз равнақи, унинг озод ва обод бўлишини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йулидан дадил олға интилаётган халқимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, республикамиз ички ва ташқи

сийёсатининг узига хос тамойиллари, иқтисодийтни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган.

Шунингдек, ушбу китобга Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига, Имом Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари ҳам киритилган. Уларда маланий мерос, миллий кадриятлар диний ва дунёвий тафаккур тараққиётимиз таянчи эканлиги, улуг аждодларимиз ғоялари ва маслаклари буюк келажагимизни белгилашда муҳим омил эканлиги таъкидланади.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш – юксалиш гарови эканлиги, иқтисодийтни эркинлаштириш – фаровонлик пойдеворилиги ҳамда жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш тараққиёт гарови эканлиги каби ғоялар илгари сурилади. Ана шу ғоялардан келиб чиқиб, Андижон вилояти Асака шаҳридаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонасининг янги линияси ишга туширилиши муносабати билан сўзлаган нутқи китобдан урин олган. Унда «Муъжизанинг бунёдкори – халқимиз», дейди Президент.

18. За процветание родины – каждый из нас в ответе. Т.9. —Т.: Узбекистан, 2001. —399 с.

В этот том включены доклады Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на сессиях Олий Мажлиса, его речи и выступления на заседаниях Кабинета Министров, на сессиях областных Кенгашей народных депутатов, а также на разных международных встречах и заседаниях.

Вместе с тем в эту книгу вошли беседы главы нашего государства с работниками средств массовой информации, поздравительные письма. В этом труде освещаются вопросы обеспечения свободы и процветания Родины, преобразования, происходящие в жизни нашего народа, стремящегося построить свободную и процветающую жизнь, а также принципы внешней и внутренней политики нашей республики, либерализация экономики и углубление реформ, актуальные вопросы утверждения предпринимательства в обществе.

19. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак: Т.10. —Т.: Узбекистон, 2002. — 430 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 10-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2001 йил майдан 2002 йил июнигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси йигилишларида, Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари сессиялари ҳамда турли халқаро учрашувлар, анжуман ва тантанали маросимлардаги чиқишлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатлари, табрик хатлари, шунингдек, Юртбошимизнинг Россия Федерацияси ва Америка Қушма Штатларига расмий ташрифлари пайтидаги нуфузли учрашувларда сўзлаган нутқлари урин олган. Уларда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзига хос тамойиллар, ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва жамиятда тadbиркорлик руҳини кенг қарор топштиришнинг долзарб масалалари теран таҳлил этилган. Шу билан бирга, китобда бугунги кунда сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка жиддий хавф солиб турган халқаро террорчиликка қарши кураш, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги муаммолар туғрисида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» мавзуида қилган маърузаси ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳамда жамиятни янгилаш ва демократлаштиришда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Маърузада кўп қиррали ислохотларнинг самаралари, бу борадаги муаммолар ва истиқболли режалар таҳлил этилади. Ана шу маъруза натижаси сифатида мазкур сессияда маҳаллий ва хорижий мухбирларнинг саволларига жавоб берар экан, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган жамият қурамиз», деб қатъий айтиди, муаллиф.

Мазкур китобда иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, одамлар ташвиши билан яшаш, фидокорона меҳнат ва эзгу интилишлар ҳақидаги концептуал ғоялар илгари суриладиги, бу фикрлар кенг миқёсда тadbқиқот ишларида методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Гермиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали марҳумларнинг «Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар», Ўзбекистон Давлат консерваторияси янги биноси очилишига бағишланган тантанали

маросимдаги «Бетакрор мусиқа саройи» номли маърузалар ҳам ушбу мажмуадан ўрин олган.

20. **За безопасность и мир надо бороться.** Т.10. —Т.: Узбекистан, 2002. —416 с.

В этот том включены доклады Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на сессиях Олий Мажлиса, его речи и выступления на заседаниях Кабинета Министров, на сессиях областных Кенгашей народных депутатов, а также на разных международных встречах, заседаниях, конференциях и праздничных мероприятиях. Вместе с тем в книгу вошли беседы главы нашего государства с работниками средств массовой информации, поздравительные письма. В этом труде освещаются вопросы обеспечения свободы и процветания родины, преобразования, происходящие в жизни нашего народа, стремящегося построить свободную и процветающую жизнь; отражены основные принципы внешней и внутренней политики нашего государства, ход либерализации экономики и углубления реформ.

В ходе официальных визитов в Российскую Федерацию и Соединенные Штаты Америки Президент Ислам Каримов в своих речах, выступлениях большое внимание уделил проблеме международного терроризма, представляющего сегодня серьёзную угрозу миру и стабильности на нашей планете, а также основным направлениям борьбы с этой «чумой XXI века» во имя мира и безопасности в Центральной Азии и других регионах.

21. **Биз танлаган йўл демократик тараққийёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли:** Т.11. —Т.: Ўзбекистон, 2003. —320 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 11-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2002 йил августидан 2003 йил июлигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган. Уларда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги устувор тамойиллар, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, демократик тараққийёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил олға бориш, ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар теран таҳлил этилган. Шунингдек,

ушбу китобдан Президент И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик узгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари» мавзуида қилган маърузаси ўрин олган. Унда кенг миқёсли ислохотларни амалга оширишда тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланиб, фойдаланилмай қолаётган омилларни ишга солиш борасидаги қатъий талаблар ва жиддий хулосалар илгари сурилади. Ютуқлар калити одамлар гурурини уйғотиш, уларнинг салоҳиятини, барча имкониятларини ишга солишда эканлиги сингари халқона ва фуқароларнинг қалбига яқин бўлган фикрлар баён этилади. «Биз танлаган йул – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йули» деб номланган маърузада Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти, замонавий тараққиёт ва унинг истиқболлари, жаҳон интеграциялашув жараёнининг маърифий асослари ҳақида фикр юритилади. Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида қилинган ушбу маъруза ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий моҳияти билан олис истиқболни белгилайдиган, жамиятни келажакка сафарбар этадиган концептуал аҳамиятдаги маърузадир. Шунингдек, ушбу китобдан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига тегишли муҳим маъруза ва нутқлар ҳам ўрин олган. Жумладан, Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши саммитида сўзланган нутқ, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки бошқарувчилар кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқ ва бошқа маърузалар шулар жумласидандир.

22. Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Т.11. —Т.: Узбекистан, 2003. —296 с. В настоящий том вошли доклады, речи и выступления Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на сессиях Олий Мажлиса, заседаниях Кабинета Министров и местных Кенгашей, международных встречах и саммитах, а также на торжественных церемониях за период с августа 2002 года по июль 2003 года. В них освещаются приоритетные принципы внутренней и внешней политики нашего государства, направления демократического развития и сотрудничества с прогрессивным

миром, детально анализируются вопросы безопасности и сохранения мира, дальнейшего углубления реформ.

23. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ: Т.12. —Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарларининг 12-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2003 йил сентябридан 2004 йил августигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган.

Уларда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги устувор тамойиллар, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил олға бориш, ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар теран таҳлил этилган.

«Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз». 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маъруза ана шундай номланади. Унда Президент И.А.Каримов ўтган йилда амалга оширилган ислохотлар ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнларини таҳлил этиб, тупланган тажрибалар асосида ислохотлар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беради.

Шунингдек, китобга Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» деб номланган концептуал аҳамиятга молик маъруза ҳам кирганки, у мамлакат иқтисодий тараққиётининг ва халқимиз ижтимоий ҳаёт фаровонлигини таъминлашнинг муҳим муаммоларини чуқур таҳлил этилганлиги билан алоҳида қимматга эга. Шу билан бирга, мазкур китобда жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш,

эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш борасидаги жиддий фикрлар, сиёсий ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган гоёлар илгари сурилади.

24. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Т.12. —Т.: Узбекистан, 2004. —280 с.

В двенадцатый том вошли выступления, доклады Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на сессиях Олий Мажлиси и местных Кенгашей, заседания Кабинета Министров, торжественных церемониях, а также поздравления за период с сентября 2003 г. по август 2004 года.

В этом труде освещаются приоритетные принципы внутренней и внешней политики нашего государства, основные направления демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром, анализируются вопросы сохранения мира и безопасности, дальнейшего углубления реформ.

25. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди: Т.13. —Т.: Узбекистон, 2005. —448 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 13-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2004 йил августидан 2005 йил июлигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси палаталари ва маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган.

Шу билан бирга, ушбу жилдга давлатимиз раҳбарининг Андижон воқеалари муносабати билан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари, оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюлари киритилган.

«Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқда масала ана шу тарзда қўйилди. Бу Ўзбекистонда ижтимоий масалаларни ҳал этиш умумдавлат ва умуммиллий аҳамиятга эга бўлган долзарб масала сифатида қаралганидан далолат беради.

Китобдан парламентдаги ислоҳотлар, миллий парламентаризм ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги жиддий мулоҳазалар ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир», деб номланган маъруза илмий назарий жиҳатдан ҳам, амалий стратегик жиҳатдан ҳам мамлакат ва миллат истиқболини белгилайдиган, унинг буюк келажagini яратиш учун долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган концептуал аҳамиятга эга бўлган маърузадир. Ушбу маъруза мазкур китобдан урин олган. «Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди», «Ҳақиқат — журналистиканинг доимий ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт», «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган маърузалар ҳам ушбу жилдга кирган бўлиб, буларда 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, унинг миллий хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик концепцияси илгари сурилади.

26. Узбекский народ никогда и не от кого не будет зависеть. Т.13. —Т.: Узбекистан, 2005. —264 с. В тринадцатый том включены доклады Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, его речи и выступления на заседаниях верхней и нижней палат сессии Олий Мажлиси Республики Узбекистан, международных встречах, форумах и торжественных церемониях за период с августа 2004 года по июль 2005 года.

В данном томе также представлены заявления и ответы главы нашего государства на пресс-конференции и брифинге для республиканских и зарубежных средств массовой информации, представителей дипломатического корпуса в связи с Андижанскими событиями.

27. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Т.14. —Т.: Ўзбекистон, 2006. —280 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 14-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2005 йил июлидан 2006 йил августигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий Кенгашлар йиғилишлари, халқаро учрашувлар ва тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ҳамда табриклари урин олган.

Шу билан бирга, ушбу жилдда давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари муносабати билан

оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюлари ҳам узифодасини топган. «Шарқ тароналари» V халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида сўзланган «Кухна Самарқанднинг боқий овози» номли, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Озод халқнинг улуғ байрами» номли маърузаларда халқимизнинг мустақиллик туфайли эришган тарихий ютуқлари, Шарқ маданиятининг беқиёс имкониятлари ҳақидаги ғоялар илгари сурилади. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масалаларига доир методологик фикрлар баён этилади.

Осиёда тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали жаҳон ҳамжамиятида узаро ишонч туйғуларини кучайтириш, инсоният истиқболини белгилашда адолатли тамойилларнинг устуворлигига эришиш борасидаги Ўзбекистон давлатининг сиёсий қарашлари ҳам ушбу китобдан урин олган.

28. Человек, его права и свобода — высшая ценность. Т.14. —Т.: Узбекистан, 2006. —224 с. В четырнадцатый том произведений Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова включены его доклады, речи и выступления, на заседании Сената Олий Мажлиса республики, совещаниях местных Кенгашей, международных встречах и торжественных церемониях, а также поздравления за период с августа 2005 года по июль 2006 года.

В данном томе также представлены интервью руководителя нашего государства средствам массовой информации в связи с его официальными визитами в зарубежные государства.

29. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. —Т.: Ўзбекистон, 2007. — 320 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 15-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2006-2007 йилларда Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари сессиялари, турли халқаро анжуманлар, тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари урин олган.

Шунингдек, китобда Юртбошимизнинг меҳнат жамоалари вакиллари билан учрашувлардаги чиқишлари, интервью ҳамда табриклари жамланган. Жумладан, уларда мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Ватан туйғусини шакллантириш, фуқаролар орзу-интилишларини умумий манфаатлар ва қарашларга йўналтириш, миллий бирлик ва яхлитлик муаммолари атрофида фикр юритилади.

Китобга Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда сўзланган нутқлар киритилганки, буларда жаҳон цивилизациясига кучли таъсир этган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқимизнинг буюк қадриятлари, тафаккур муъжизалари ва интеллектуал салоҳиятига чуқур назарий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баҳо берилган.

Шунингдек, китобда инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш пировард мақсад, стратегик режамиз эканлиги ҳақидаги гоялар илгари сурилади.

30. Либерализация общества, углубление реформ, повышение духовности и уровня жизни народа – критерий и цель всей нашей деятельности. Т.15. —Т.: Узбекистан, 2007. —208 с.

Пятнадцатый том произведений Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова включает его доклад на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально – экономического развития страны в 2006 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ в 2007 году.

В настоящий том также вошли речи и выступления Президента на совещаниях, торжественных церемониях, встречах с представителями трудовых коллективов, а также поздравления за период с августа 2006 года по сентябрь 2007 года.

31. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. —Т.: Узбекистон, 2008. —368 б.

Мазкур китобда Президент И.А.Каримовнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган мамлакатни янгилаш ва модернизациялаш,

жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш тамойилининг истиқбол режаларини қамраб олган қатор нутқ, маъруза ва асарлари жамланган. Жумладан, муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули» номли маърузаси ўрин олган. Ушбу маърузада мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги 16 йиллик тараққиёт йули чуқур таҳлил этилади. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришлар, ялпи ислоҳотлар, фуқаролар тафаккуридаги жиддий янгиланишлар жараёни чуқур илмий-назарий ва сиёсий-амалий жиҳатдан таҳлил этилади. Қўлга киритилган тарихий ютуқлар шаклланиб бораётган тажрибалар асосида таҳлил қилинади ва Ўзбекистон тараққиётининг истиқбол режалари ва стратегик мақсадлари белгилаб берилади. Марғилон шахрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Озод ва обод юрт дурдонаси» номли нутқда миллий маданиятимиз ва бой тарихимизни урганиш орқали истиқболни белгилаш, мустақиллик мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва миллий ўзликни англаш жараёнининг миллий ғоя асосидаги тамойиллари илгари сурилади.

Шунингдек, китобга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган концептуал аҳамиятдаги маъруза ҳам киритилган.

Президент И.А.Каримовнинг Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-гадбирлари ҳақида халқаро конференция иштирокчиларига юборган табриги, «Лукойл» очиқ акциядорлик жамияти директорлар Кенгашининг Тошкент шаҳридаги мажлиси иштирокчиларига йўллаган мактуби ҳам кирган. Бу ҳужжатларда жамият тараққиёти ва мамлакатни иқтисодий ривожлантириш, Ўзбекистонда ижтимоий масалаларни, глобал муаммолар, жумладан экологик муаммоларни ҳал этиш, жаҳон ҳамжамияти

диққатини Орол масалаларига жалб этиш сингари ута муҳим ва жиддий масалалар юзасидан фикр юритилади.

32. По пути модернизации страны и устойчивого развития экономики. Т.16. —Т.: Узбекистан, 2008. -280 с.

В шестнадцатый том произведений Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова включены речи руководителя нашей страны за 2007-2008 гг. на заседаниях Олий Мажлиса Республики, Кабинета Министров, его выступления на собраниях областных Кенгашей народных депутатов, на различных международных форумах и торжественных церемониях.

2. КИТОБЛАР ВА РИСОЛАЛАР

1992 йил

1. **Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар.** (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг унинчи сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ). —Т.: Ўзбекистон, 1992.

2. **Ўзбекистан свой путь, обновления и прогресса.** —Т.: Ўзбекистан, 1992.

3. **Uzbekistan the road of independence and progress.** —Т.: Uzbekistan, 1992. (инглиз тилида).

4. **Uzbekistan eineigener weg der erneuerung und des fortschritts.** —Т.: Uzbekistan, 1992. (немис тилида).

5. **Халқимизнинг оташқалб фарзанди.** (Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзланган нутқ). —Т.: Ўзбекистон, 1992.

6. **Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.** —Т.: Ўзбекистон, 1992; 1993.

Китобнинг «Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари», «Ўзбекистон — демократия ва ижтимоий адолат жамияти», «Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат», «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш — мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи», «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» каби бобларида инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик, тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қуриш йўллари баён қилинади.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топширишнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари рисолада ёритиб берилган.

Ушбу китобда билдирилган фикрлар илгари ўртага қўйилган қоидалар ва ғояларни муаммовий умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирга, республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида тўпланган амалий тажрибага асосланган ҳолда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифасини асосий масала сифатида кўтаради.

1993 йил

7. **Ўзбекистан свой путь, обновления и прогресса.** —Т.: Ўзбекистан, 1993.

8. **Ўзбекистон роҳи худии азнавсозӣ ва пешрафт** —Т.: Ўзбекистон, 1993. (тожик тилида).

9. **Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Китобда Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида (1992 йил 8-10 декабрь) сўзланган нутқи ўз ифодасини топган бўлиб, унда республикада ҳар бир соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш масалалари ҳамда бозор тармоқлари мажмуини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва бу жараёнлар қандай амалга оширилиши лозимлиги, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирлари, республикага хорижий сармояларни жалб қилиш ва улар иштирокида қўшма корхоналарни тузишнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

10. **Ўзбекистан — государство с великим будущем.** (Речь на XI сессии Олий Кенгаша Республики Узбекистан 8 и 10 декабря 1992 года). —Т.: Узбекистан, 1993.

11. **Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг.** («Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига жавоблар, 1993 йил 12 февраль). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Комсомольская правда» газетаси бош муҳаррири В.Фронин саволларига жавоблари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар Халқаро уюшмаси аъзолари билан (1993 йил 4 март) Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдаги суҳбати урин олган. Шунингдек, китобда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг мухбирлар билан суҳбатлари тўғрисида жамоатчилик фикри ҳам ўз ифодасини топган.

12. **Не построив новый дом — не разрушай старого.** Интервью «Комсомольской правде» Пресс-конференция иностранным корреспондентам. —Т.: Узбекистан, 1993. —102 с.

В книгу вошли интервью Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова главному редактору «Комсомольской правды» В.Фронину (12 февраля 1993 г.) и материалы пресс-конференции, которую дал Президент Республики Узбекистан в Ташкенте журналистам, входящим в Международную ассоциацию иностранных корреспондентов, аккредитованных в СНГ. 4 марта 1993 г.

13. **Буюк мақсад йулидан оғишмайлик.** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида сузланган нутқ, 1993 йил 6—7 май). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

14. **Не сбиваясь, двигаться к великой цели.** (Выступления на XII сессии Верховного Совета Республики Узбекистан 6—7 мая 1993 г.). —Т.: Узбекистан, 1993.

15. **Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат ва мафкура.** —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Ушбу китобдан мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Республика Олий Кенгаш сессияларида, халқаро учрашувларда ҳамда турли анжуманлар ва тантаналарда сузлаган нутқлари урин олган.

Шунингдек, хорижий журналистлар билан ўтказилган мулоқотлар ҳам ушбу китобда ўз ифодасини топган.

16. **Ўзбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология.** —Т.: Ўзбекистан, 1993.

17. **Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.** —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли йирик асари туққизта бобдан ташкил топган. Булар: I Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислоҳотлар зарурияти; II Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи шарт-шароитлар; III Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш — демократик ва бозор ўзгартиришларининг асоси; IV Давлат — иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси; V Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш — иқтисодий ислоҳотлар йўлининг негизи; VI Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш; VII Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати; VIII Ташқи иқтисодий фаолият — жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида; IX Иқтисодий ислоҳотнинг асосий устуворликлари ва йўналишларидан иборат.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга тубдан янгича ёндошувни, бунда сифат жиҳатдан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан, ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тула-туқис мос келадиган мутлақо янги андоза ва тамойилларнинг ишлаб чиқилганлиги, уларни амалиётга қўллаш йўл-йўриқларининг кўрсатиб берилганлиги ҳам мазкур китобнинг асосий мазмуни ва ғоясини ташкил этади.

18. **Ўзбекистан — собственная модель перехода на рыночные отношения.** —Т.: Ўзбекистан, 1993.

19. **Building the future Uzbekistan — its own model for transition to market economy.** —Т.: Uzbekistan, 1993 (инглиз тилида).

20. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари.

(Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 2 ва 3 сентябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Президент И.А.Каримов уз нутқида иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари хусусида фикр юритади.

Ислохотлар стратегиясини амалга оширишда устувор йўналишлар:

- таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислох қилиш;
- ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини назарда тутиб, чуқур ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар салоҳиятига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлган ақлий ва маданий салоҳиятни ривожлантириш тамойилини ишлаб чиқишга эътиборни қаратади.

21. **О приоритетах экономической политики Узбекистана.** (Речь и выступления на XIII сессии Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва 2, 3 сентября 1993 года). —Т.: Узбекистан, 1993.

22. **БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза.** (1993 йил 28 сентябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

Ушбу маърузада Президент И.А.Каримов куйидаги асосий масалаларни баён қилган.

Аввало, Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон худудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдиргани ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз — Шарқ мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек ва бошқаларни эъзозлашимиз ва фахрланишимиз ҳақида сўзлади. Шунингдек, ислохотларнинг асосий тамойиллари билан таништирди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афғон чегарасида ҳамон давом этаётган сиёсий можаронинг салбий оқибатлари ҳамда ушбу можарони ҳал этиш масалаларида Ўзбекистон фикрини билдира туриб, бу можарони ҳал этиш дунё мамлакатлари, сиёсий доиралар, нуфузли сиёсий ташкилотлар олдидаги жиддий муаммо

эканлигини дунё мамлакатлари олдида яққол тарзда очиқ-ойдин айтди. Ўзбекистон экстремизм, террорчилик ҳамда ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралашини билдирди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблайди. Президент Марказий Осиёда наркобизнесга қарши БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш, шунингдек, Орол денгизи фалокати бўйича махсус комиссия ташкил қилиш лозимлигини илгари сурди.

23. Выступление на 48-сессии Генеральной Ассамблеи ООН. — Т.: Узбекистан, 1993.

24. The speech on the 48 th – session of the General Assembly of the United Nations Organization. —Т.: Uzbekiston, 1993 (инглиз тилида).

25. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. (Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 9 октябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1993.

26. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ, 1993 йил 7 декабр). —Т.: Шарқ, 1993.

Президентимизнинг ушбу рисоласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқини ўз ичига олган бўлиб, унда Ўзбекистонда маънавий қадриятларни ва ақлий салоҳиятни тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кузда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйилганлиги таҳлил қилинган ва хулосалар умумлаштирилган.

27. Правовая гарантия нашего великого будущего. (Речь на торжественном Собрании по случаю первой годовщины Конституции Узбекистана 7 декабря 1993 года). —Т.: Шарқ, 1993.

28. **Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи.** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзланган нутқ. 1994 йил 18 февраль). —Т.: Ўзбекистон, 1994.

29. **Прогресс деҳканского хозяйства — путь к изобилию.** (Речь на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан 18 февраля 1994 г.). —Т.: Узбекистан, 1994.

30. **Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич.** (Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. 1994 йил 18 март). —Т.: Ўзбекистон, 1994.

31. **Экономические реформы: ответственный этап.** (Речь на сессии Бухарского областного Совета народных депутатов 18 марта 1994 года). —Т.: Узбекистан, 1994.

32. **Биздан озод ва обод ватан қолсин!** («Туркистон» саройи очилиши маросимида сўзланган нутқ. 1993 йил 3 сентябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1994.

33. **Наша цель: свободная и процветающая родина.** —Т.: Узбекистан, 1994.

34. **Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли.** —Т.: Ўзбекистон, 1994.

Ушбу рисолада Президент И.А.Каримовнинг 1994 йил 5 май куни Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзлаган нутқи берилган. Мамлакатимиз раҳбари уз нутқида республикада амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, бу борада эришилган ютуқлар ва камчиликлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, нутқда республикада мавжуд давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш масаласи ҳамда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари акцияларининг тегишли қисмлари меҳнат жамоаларига, юридик ва жисмоний

шахсларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига сотилиши ҳақида алоҳида тўхталган фикрлари ҳам баён қилинган.

35. **Наш путь — путь независимой государственности и прогресса.** (Доклад на XV сессии Олий Кенгаша Республики Узбекистан двенадцатого созыва 5 мая 1994 года). —Т.: Узбекистан, 1994.

36. **Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин.** (Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. 1994 йил 15 июль). —Т.: Ўзбекистон, 1994.

37. **Честность и самоотверженность — основные критерии в нашей деятельности.** (Речь на сессии Ташкентского городского Совета народных депутатов 15 июля 1994 года) —Т.: Узбекистан, 1994.

38. **Ўзбекистон — мустақил тараққиёт йулида.** —Т.: Ўзбекистон, 1994.

39. **Узбекистан — на пути независимого прогресса.** —Т.: Узбекистан, 1994.

40. **Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзланган нутқ, 1994 йил 22 сентябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1994.

41. **Довести до конца начатое дела.** (Речь на XVI сессии Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва 22 сентября 1994 года). —Т.: Узбекистан, 1994.

42. **Истиқлол ва маънавият.** —Т.: Ўзбекистон, 1994.

Ушбу китобда мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 1991–1994 йилларда эълон қилинган маъруза ва нутқлари берилган. Айтиш жоизки, И.А.Каримов ҳар бир маъруза ва нутқларида, сўхбатларида маънавиятнинг аҳамияти ва ролига алоҳида эътиборни қаратади. Ана шу жиҳатдан ҳам ушбу китобда маънавиятга эътибор ўзига хос йўлдан бораётган республикамиз тараққиётининг устувор тамойилларидан бири эканлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Маърифат ва маънавиятнинг ривожланиш негизлари, қудрати ва аҳамияти, маънавий камолот йўллари асосли фикрлар

билан курсатиб берилган. Шунингдек, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва тадбирлар ҳам белгилаб берилган.

1995 йил

43. **Халқ ишончи — юксак масъулият.** (Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида сузланган нутқ, 1995 йил 9 январь). —Т.: Ўзбекистон, 1995.

44. **Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль). —Т.: Ўзбекистон, 1995.

Юртбошимизнинг ушбу маърузаси уч қисмдан иборат бўлиб, уларда «Демократия — бош йўлимиз», «Иқтисодий муносабатларни демократиялаш — бозор ислоҳотларининг муҳим шarti», «Юксак маънавият — келажак пойдевори» эканлиги хусусида фикр юритилади.

45. **Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана.** (Доклад на первом заседании Олий Мажлиса Республики Узбекистан 23 февраля 1995 года). —Т.: Узбекистан, 1995.

46. **Basic principles of social, political and economic development of Uzbekistan.** —Т.: Uzbekistan, 1995 (инглиз тилида).

47. **Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.** —Т.: Ўзбекистон, 1995.

Китобда мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейинги утган давр мобайнида амалга оширилган ишларга яқун исалган. Амалга оширилган ижтимоий ривожланишлар, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинган.

Шунингдек, китобда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида («Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг яқунлари ва сабоқлари») мулкчиликнинг турли шакларини жорий этишда қўлга киритилган ютуқларга таянилган ҳолда, шу йўлдан бора бориш, ёш мустақил республикамиз бошлаган ислоҳотларнинг иккинчи босқичи («Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг

вазифалари ва устувор йўналишлари») вазифаларини бажариш учун янги устувор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий йўналишлар ажратиб олиниб, янада мураккаброқ бўлган янги масалаларни ҳал этиш вазифалари аниқ-равшан курсатиб берилган.

48. **Ўзбекистан по пути углубления экономических реформ.** — Т.: Ўзбекистан, 1995.

49. **Usbekistan auf dem wege der vertiefung der wirtscha its — reformen.** — Т.: Usbekistan, 1995 (немис тилида).

50. **Туркистон — умумий уйимиз.** — Т.: Ўзбекистон, 1995.

Ушбу китоб Президент И.А.Каримовнинг «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир», «Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак», «Дўстлигимиз қуёши минг йилликлар қаъридан нур сочади» деб номланган нутқларини уз ичига олган.

Бу нутқларда И.А.Каримов Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш, тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаш ва ана шу мақсадда ташкил қилинадиган жамоатчилик ҳаракати, «Туркистон - умумий уйимиз» деган мавзуга эътиборни қаратади.

51. **Туркистан — наш общий дом.** — Т.: Ўзбекистан, 1995.

52. **Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.** — Т.: Ўзбекистон, 1995.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг илгари нашр этилган «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» китобларининг бевосита давоми бўлиб, ундан Президентнинг мамлакатимизда бозор муносабатларини тобора такомиллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалари ва сўзлаган нутқлари, халқаро миқёсдаги анжуманларда, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, учрашувларда сўзланган нутқлари, суҳбатлари жой олган.

53. **Родина священна для каждого.** (Доклады. Речи, интервью). — Т.: Ўзбекистан, 1995.

54. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 30 август). —Т.: Ўзбекистон, 1995.

Президент И.А.Каримов ўз маърузасида барча Ўзбекистон аҳлини муқаддас Истиқлолимизнинг 4 йиллик тўйи билан табриклар экан, шу тўрт йил мобайнида миллий давлатчилигимизни тикланганимиз, дунёга озод ва эркин миллат сифатида танилганимиз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлай билганимиз, Ўзбекистонда танланган ислохотлар йўлини бутун дунё тан олаётганлиги хусусида гапирди.

«Бизлар бузиш йўлидан эмас, тузиш, барпо этиш йўлидан бордик. Биз борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан бордик», дейилади маърузада.

Юртбошимизнинг истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қалдимизни буколмайди, деган қатъий фикрлари ҳам ана шу маърузада ўз ифодасини топган.

55. Мы и дальше будем идти по пути строительства и созидания. (Речь на III сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан Первого созыва 30 августа 1995 года). —Т.: Узбекистан, 1995.

56. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 3 октябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1995.

57. Высоко квалифицированные специалисты — стимул прогресса. (Речь на открытии Академии Государственного и общественного строительства 3 октября 1995 года) —Т.: Узбекистан, 1995.

58. Uzbekistan along the road of deepening economic reforms. —Т.: Uzbekistan, 1995. (инглиз тилида).

59. Шу азиз ватан — барчамизники. —Т.: Университет, 1995.

Бу рисола Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига йилги йил табриги матни ва «Шу азиз ватан — барчамизники» мақоласининг матнини ўз ичига олади.

И.А.Каримов томонидан ушбу табрик орқали юртимиздаги барқарор муҳит ва аҳиллик, бунёдкорлик туфайли давлатимиз

мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий қудратини, халқаро обрў-нуфузини юксалтириш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилаётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарор вазиятнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш лозимлиги яна бир карра таъкидлаб утилган.

Юртбошимиз шу азиз тупроқда ётган ота-боболаримиз дини ва руҳига содиқ бўлишга, Ватанимиз келажаги, фарзандларимиз камоли учун ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб фидойи меҳнат қилишга, элим деб, юртим деб, ёниб яшашга чорлайди, кириб келаётган янги — 1995 йил табриги орқали энг эзгу тилаклар тилайди.

Шунингдек, журналист Аҳмад Хужанинг (УзА) ушбу китобдан ўрин олган «Шу азиз ватан — барчамизники» номли мақоласида Ислом Каримовнинг муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига уч йил тўлганлиги ҳамда бу йиллар давомида Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар амалга оширилганлиги чуқур таҳлил қилиб берилган.

60. Мақсадимиз — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. —Т.: Ўзбекистон, 1995.

Мазкур китобга БМТ 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзланган нутқ ва Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблар (1995 йил 27 октябрь) киритилган.

61. Наша цель — мир, стабильность, сотрудничество. —Т.: Узбекистан, 1995.

62. Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 декабрь). —Т.: Ўзбекистон, 1995.

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида 1995 йил якунлари ҳамда ислохотларни амалга оширишнинг бориши, давлат ва жамият қурилишининг, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишнинг ўзига хос, ўзимизга мос дастури ишлаб чиқилганлиги таъкидланиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришнинг аниқ ва асосли дастурига эга эканлигимиз ҳамда ушбу дастур бўйича ислохотларни амалга оширишни чуқурлаштириш масаласи кенг баён қилиб берилган.

63. **Путь созидания — основа скорейшего процветания родины.** (Речь на IV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва 21 декабря 1995 года). —Т.: Узбекистан, 1995.

1996 йил

64. **Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йулидир.** (Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 16 март). —Т.: Ўзбекистон, 1996.

65. **Путь нашего народа это путь независимости, свободы и глубоких реформ.** (Выступление на сессии Кенгаша народных депутатов Хорезмской области 16 марта 1996 года). —Т.: Узбекистан, 1996.

66. **Ouzbekistan dans la voie de l'approfon — disement des reformes economiq ues.** — Т.: Ouzbekiston, 1996 (француз тилида).

67. **Дайте Узбекистану строить свое будущее своими руками.** —Т.: Узбекистан, 1996.

68. **Let Usbekistan build its own future independently.** —Т.: Usbekistan, 1996 (инглиз тилида).

69. **Labt Usbekistan seine zukunft mit eigenen handen errichten.** —Т.: Usbekistan, 1996 (немис тилида).

70. **Laissez L'Ouzbekistan prend re en mains son avenir.** —Т.: Ouzbekistan, 1996 (француз тилида).

71. **Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида.** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган нутқ, 1996 йил 25 июль). —Т.: Ўзбекистон, 1996.

Президент И.А.Каримов томонидан 1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари ҳамда том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз бергани ва мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнлари чуқур таҳлил қилиб берилган.

Китобда ислохотларни амалга ошириш жараёнларининг ярим йиллик якунлари ҳақида қуйидаги хулосаларга келинганлиги ҳам кўрсатиб берилган.

Биринчи хулоса: бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси булмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

Иккинчи хулоса: Миллий валютамиз — сўмимиз мустаҳкамланди.

Учинчи хулоса: хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди.

Тўртинчи хулоса: мулжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди.

Бешинчи хулоса: Республикада бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришда сезиларли силжиш руй берди.

Олтинчи хулоса: кўзда тутилган дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг натижаси ўлароқ, асосий иқтисодий курсаткичларнинг ўсишига эришдик.

Навбатдаги муҳим хулоса шундан иборатки, соҳада ҳам, аҳолининг турмуш шароити ва даражасида ҳам ўзгариш юз берди.

Шунингдек, маърузада мансабдор шахслар ва давлат органларининг корхоналарнинг ички ишларига асоссиз аралашувини тақиқлаб қўйиш кераклиги таъкидланди ва махсус мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш ҳақида таклиф киритилди.

Ушбу маърузада **ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг принципиал вазифаси** — қимматли қоғозлар бозорини, энг аввало, иккиламчи бозорни янада фаолроқ ривожлантириш зарурлиги ҳамда солиқлар тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган.

72. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сузланган нутқ, 1996 йил 29 август). —Т.: Ўзбекистон, 1996.

73. **Ўзбекистан на пути экономического подъёма.** (Речь на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан 25 июля 1996 г.). —Т.: Узбекистан, 1996.

74. **Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе.** (Речь на IV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва 29 августа 1996 года). —Т.: Узбекистан, 1996.

75. **The most important tasks of intensification of democratic reforms at the present stage.** —Т.: Uzbekistan, 1996 (инглиз тилида).

76. **Ҳамкорлигимизнинг ишончли кафолатлари.** —Т.: Ўзбекистон, 1996.

77. **Надёжные гарантии нашего сотрудничества.** В данный сборник включены выступления Президента И.А.Каримова во время визитов в Республику Италия и США в июне 1996 г., а также другие материалы, связанные с этими важными событиями. —Т.: Узбекистан, 1996.

78. **Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик.** —Т.: Ўзбекистон, 1996.

Президент Ислон Каримов 1996 йил 16 февралда бир гуруҳ Россия оммавий ахборот воситалари мухбирларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йули, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, республикада демократиялаштириш жараёнининг хусусиятлари ҳақида батафсил сузлаб берди. Журналистларни қизиқтирган куплаб саволларга жавоб қайтарди.

Ўзаро ишонч, ошкоралик руҳида ўтган мазкур мулоқот Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилди ва купчиликда жуда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу рисолада ана шу суҳбат матни эълон қилинган.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг республика Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда 1996 йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда (1996 йил 28 февраль) сузлаган нутқи ҳам ушбу рисолада ўз ифодасини топган.

79. **Мы должны твердо следовать курсу реформ.** —Т.: Узбекистан, 1996.

80. **Ўзбекистон халқи ўз йулидан қайтмайди.** (Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари ва журналистлар билан учрашувда сузланган нутқ. 1996 йил 12 апрель). —Т.: Ўзбекистон, 1996.

81. **Народ Узбекистана не свернет с избранного пути.** —Т.: Узбекистан, 1996.

82. **Амир Темуր ҳақида сўз.** —Т.: Ўзбекистон, 1996.

Ушбу мажмуадан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг буюк соҳибқирон Амир Темуր таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан булиб утган анжуман ва тантаналарда сўзлаган нутқлари ўрин олган.

1997 йил

83. **1997 йил — Инсон манфаатлари йили бўлсин.** (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ, 1996 йил 6 декабрь). —Т.: Ўзбекистон, 1997.

84. **Ислоҳотлар йўлида қатъиятли бўлиш — бугунги кун талаби.** (Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 14 декабрь). —Т.: Ўзбекистон, 1997.

85. **Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.** —Т.: Ўзбекистон, 1997.

Мазкур асарда Ўзбекистон Республикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсағасидаги тақдири, ривожланиш истиқболлари, уз эркимизни асраб-авайлашимиз, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабат, миллий хавфсизлик ва таҳдид манбалари ҳақида муҳим хулосалар баён этилган.

Китобда хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш учун ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришиш каби ижтимоий-сиёсий йўналишлар кўрсатиб берилади.

Асар икки бобдан иборат бўлиб, «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида XXI аср бўсағасида халқаро вазият, кучлар нисбатидаги туб ўзгаришлар таҳлил этилади. Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган. Муаллиф хавфсизликка таҳдид солаётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ва муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий

илдизларини илмий, назарий, амалий жиҳатдан биринчи бор ҳар томонлама теран очиб берган.

Иккинчи боб «Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши, миллий, ҳуқуқий давлатчилик, демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ҳамда уларни янада такомиллаштириш вазифалари ёритилган. Мазкур бобда бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари, бой табиий хомашё ресурслари таҳлил этилади. Ўзбекистонда кенг куламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатларининг яратилиши, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши, хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликнинг ўрнатилиши ва ривожланиши масалалари кенг ёритиб берилган.

86. **Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия стабильности и гарантии прогресса.** —Т.: Узбекистан, 1997.

87. **Uzbekistan on the threshold of the twenty first century: threats to security, conditions of stability and guarantees for progress.** —Т.: Uzbekistan, 1997 (инглиз тилида).

88. **L'Ouzbekistan au seuil du XXI siecle: les menaces de la surete les conditions et les garanties olu progresse.** — Т.: Ouzbekistan, 1997 (француз тилида).

89. **Асосий мақсад — иқтисодий юксалишга эришишдир.** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 июль). —Т.: Ўзбекистон, 1997.

Ўзбекистоннинг 1997 йилдаги иқтисодий, ижтимоий тараққиёти мухтасар таҳлил қилиб берилган ҳамда белгиланган режалар ижросига баҳо бериб ўтилган. Таҳлилда танланган йўлнинг 1ўгрилиги, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнлари жадаллашаётганлиги, иқтисодий ривожланишни таъминлаш бош вазифага айланаётганлиги ҳам эътироф этилган.

Шунингдек, тараққиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш, одамларни, биринчи галда барча даражадаги

бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш кераклиги ҳам маърузада ўқитиб ўтилган.

Билимдон, фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятни ҳис этадиган менежерларга кенг йул бериш вазифаси ўртага ташланди.

Нутқда мамлакатимиз раҳбари жамиятимизни тубдан қайта қуриш ва янгиланишларни амалга оширишда инсон омилига улкан аҳамият бериб, 1997 йил – Инсон манфаатлари йилининг тadbирлар дастури ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури ҳақида батафсил тўхталди, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда қандай натижаларга эришилганига яқун ясаб, бу яқундан қандай хулосалар чиқариш мумкинлигига эътиборни қаратди.

Жумладан: 1) шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, ҳар бир оиланинг турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилаш; 2) бюджет ташкилотлари ходимларига маошларини, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўлаш; 3) ижтимоий соҳани, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий соҳани ривожлантириш; 4) Республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларининг шаклланиши; 5) миллий анъаналар ва маънавийликни тиклаш, инсоннинг маданий-маънавий ва интеллектуал манфаатларини рўйбга чиқаришга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги батафсил тушунтириб берилди.

90. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август). —Т.: Шарқ, 1997.

И.А.Каримов Олий Мажлиснинг ушбу сессиясида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаби даражасига кўтариш масаласига тўхтатилиб, баркамол авлод келажагига дахлдор қонун лойиҳалари билан таништирди.

Мактаб соҳасида «Таълим ҳақида» қонун; Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилиши; Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк ва молия академияларининг ташкил қилинганлиги; «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улугбек», «Умид» жамғармаларининг эзгу ишлари ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшилган ҳисса сифатида алоҳида айтиб ўтилди.

91. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. (Речь на IX сессии Первого созыва Олий Мажлиси Республики Узбекистан 27 августа 1997 года). —Т.: Шарқ, 1997.

92. 1998 йил — Оила йили. —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Мазкур тўпламга мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган йиғилишдаги (1997 йил 5 декабрь) табрик сузи ҳамда оила манфаатларини таъминлаш борасида қуйидаги муҳим ҳужжатлар киритилган:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури туғрисида»ги 45-сон қарори, 1998 йил 27 январь;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сон қарорига 1-Илова;

«Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар» Давлат дастурига Илова;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сон қарорига 2-Илова;

93. 1998 год — Год семьи. —Т.: Узбекистан, 1998.

94. Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сузланган нутқ. 1998 йил 25 февраль). —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Рисолада республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич, қадам-бақадам ўтказиш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштириш, ҳар бир босқичнинг энг устувор йўналишларини ва мақсадларини белгилаб олиш, кўзланган марраларга эришишнинг механизм ва йўлларини барпо этиш, қабул қилинган қарорларнинг bajarилшини назорат қилиш борасидаги янги ёндошув масалалари Президент И.А.Каримов томонидан чуқур таҳлил қилиб берилган, ҳулосалар умумлаштирилган.

Хусусан, рисолада 1997 йил якунларини кўриб чиқиш ҳамда 1998 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгиловчи мезонлар ҳамда галдаги қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида Президентимиз фикрлари, йўл-йўриқлари олға сурилган.

95. **Достижение устойчивого прогресса — приоритетная задача.** (Доклад на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан 25 февраля 1998 г.). — Т.: Узбекистан, 1998.

96. **Қонунларимиз деҳқон манфаатига хизмат қилсин.** (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сузланган нутқ, 1998 йил 30 апрель). — Т.: Ўзбекистон, 1998.

97. **Баркамол авлод орзуси.** — Т.: Шарқ, 1998.

Мазкур тўпламга мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг: «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 27 август) сузланган нутқ); «Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берилган жавоблар); таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг фикр ва мулоҳазалари; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги қарашлари киритилган.

Шунингдек, «Авлодлар орзуси», «Мустақиллик — орзулар рўёби», «Орзуга эришмоқ йули», «Баркамол авлод ёхуд «портлаш эффекти» нима?» номли тўртта фаслни уз ичига олган бўлимда ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш каби жиддий вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги демократик кадриятларга ва уларнинг ҳаётдаги ўрнига эътибор қаратилган.

Тўплам охиридан махсус адабиётлар рўйхати ўрин олган.

98. **Мечта о совершенном поколении.** — Т.: Шарқ, 1998.

99. **Кучли давлатдан кучли жамият сари.** — Т.: Шарқ, 1998.

Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг ҳар бир чиқишида, нутқлари ва асарларида Ўзбекистонда туб ўзгаришларни давлат ва жамият қурилиши тамойилларига мос равишда такомиллаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва умуммиллий масалаларни ҳал этишда, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, ривожланиш концепцияларини яратиш, жаҳон тажрибаларини илмий асосда ўрганиш имкониятларига катта аҳамият беради.

Давлатимиз раҳбарининг 1991–1998 йилларда эълон қилинган асарлари, маърузалари ва нутқларидан олинган, жамоат ташкилотлари ривожланишида муҳим назарий-амалий аҳамиятга молик бўлган мулоҳазалари, йўл-йўриқ ва тавсиялари ушбу ижтимоий-сиёсий тўпламда ўз ифодасини топган. Рисола кенг қамровли қўлланма бўлиб, у жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар, мутахассислар, сиёсатшунос олимлар фаолиятида катта аҳамият касб этади.

100. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессиясида сузланган нутқ. 1997 йил 25 декабрь). —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Рисолада улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммоларининг ечимлари хусусида гапирилиб, бу соҳада амалга оширилган ишлар, яъни: қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари барпо бўлаётганлиги, хўжалик юретишнинг мутлақо янги асослари ҳамда ташкилий-таркибий ўзгаришларнинг устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имкониятини берганлиги қайд этилади.

Шунингдек, асарда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади — қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўллари кўрсатилади, ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни ўзгартиришга бўлаётган тўсиқлар умумлаштирилиб, қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволи танқидий кўз билан баҳоланади ҳамда ҳозирги босқичда қишлоқда хўжалик юретишнинг заиф жиҳатлари тилга олиниб, муаммони ҳал қилишнинг янги йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилган.

101. Развитие сельского хозяйства — источник благосостояния народа. (Речь на X сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва 25 декабря 1997 года). —Т.: Узбекистан, 1998.

102. На пути духовного возрождения. —Т.: Узбекистан, 1998.

103. Справедливость, интересы родины и народа — превыше всего. (Речь на не очередной сессии Кенгаша народных депутатов Самаркандского области 9 ноября 1998 года). —Т.: Узбекистан, 1998.

104. **Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.** (Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузланган нутқ. 1998 йил 9 ноябрь). —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Рисолада, иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш муаммоларининг бевосита Самарқанд вилоятида ҳал қилиниши суръатлари хусусида фикрлар берилган.

Президент Ислом Каримов Самарқанд вилоятида вужудга келган носоғлом вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этар экан, айти пайтда Самарқанд вилояти раҳбариятида юзага келган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги мулоҳазаларида барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи ушбу масалаларга, улардан ҳолисона хулоса ва тегишли сабоқ чиқариб олиш масалаларига асосий эътиборни қаратди.

105. **Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин.** («Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). — Т.: Ўзбекистон, 1998.

Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон уртага қўяётган янгидан-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

Президент жавобларидаги асосий мақсад — «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»лигига қаратилган.

106. **Идеология — это объединяющий флаг нации, общества, государства.** (Ответы на вопросы главного редактора журнала «Тафаккур»). —Т.: Узбекистан, 1998.

107. **Ideology — the uniting principle of nation, society and state.** — Т.: Uzbekistan, 1998 (инглиз тилида).

108. **Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони.** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сузланган нутқ. 1998 йил 23 июль). —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Ушбу рисолада иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг 1998 йил учун белгиланган устувор йўналишлари тўлиқ ва самарали амалга

оширилаётганлиги, иқтисодиётимиздаги изчил ривожланиш тамойилларининг мустақамланиши, инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги, ташқи савдо фаолиятида экспорт ва импорт тизимидаги ижобий силжишлар кенг таҳлил қилиб берилган.

Шунинг билан бирга рисолада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш бўйича курилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, реал мулкдорлар пайдо бўлиши жараёни суст кечаётганлиги, кўп корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолаётганлиги, бозор инфратузилмаси институтлари фаолиятини ташкил этиш тизимини қайта куриб чиқиш ва унга қарши тусиқларни олиб ташлаш лозимлиги жиддий тарзда қайд этиб утилган.

109. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: Шарқ, 1998.

Китобда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг республикамиз тарихчи олимлари ва журналистлари билан ўтказилган суҳбати (1998 йил 26 июнь) ўз ифодасини топган.

Ушбу суҳбатда Президентимиз томонидан мамлакатимизда коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, давлатчилигимиз тарихи атайин бузиб кўрсатилганлиги яна бир бор таъкидланиб, ушбу нуқсонлар ва қарашларга қарши тарихчиларимиз томонидан мустақилликнинг ўтган йиллари давомида аниқ бир фикрга келинмаганлиги, асрлар давомида юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган биронта илмий тадқиқот ҳали яратилмаганлиги жиддий тарзда таъкидлаб утилди.

Шунингдек, «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? У қандай босқичларни босиб ўтди?» деган саволларга жавоб топиш ва тарихимизни бугунги кун нуқтаи назардан ўрганиш, яратиш орқали тарихий хотирани тиклаш лозимлиги тарихчиларимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўйилди.

110. Адолатли жамият сари. —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Президент И.А.Каримовнинг ушбу китобига жамланган асарлари қуйидагилардан иборат: «Жамиятимиз мафкураси

халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин», «Тарихий хотирасиз келажак йук», «Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг», «Юксак маънавият — жамият тараққиётининг асоси», «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз булсин», «Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи», «Халқ ишончи — олий масъулият».

Юртбошимизнинг юқорида таъкидлаб утилган ҳар бир асари, саволларга жавоблари, суҳбатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларида сўзланган нутқлари жиддий ҳаётий масалаларни қамраб олган. Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим шартлари тушунтириб берилган.

111. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясидаги маъруза. 1998 йил 28 август). —Т.: Ўзбекистон, 1998. .

Рисолада, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган айрим хатарли ва кескин масалалар, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилинаётган қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш муаммолари, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий замин, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйиладиган меъёрлар туғрисида фикрлар берилган.

Хусусан, Ўзбекистонга қарши агрессиянинг мавжудлиги ва ушбу хатти-ҳаракатлардан мақсад чегарамизда низо чиқариш, бизнинг мамлакатимизни ҳам ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш, бошқариладиган можаро деб аталувчи вазиятни вужудга келтиришдан иборат эканлиги таъкидланади. Қолаверса, ҳар қандай бузғунчилик, ҳар қандай босқинчиликка қарши қудратли ва ишончли қурол бу — халқимизнинг бирлиги, жипслигидир деган гоя олдинга сурилади.

112. Сплоченность народа — залог мира и прогресса. (Доклад на XII сессии Олий Мажлиси Республики Узбекистан первого созыва 28 августа 1998 года). —Т.: Узбекистан, 1998.

113. **Ўзбекистон буюк келажак сари.** —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ушбу китобига унинг халқимиз ҳамда халқаро жамоатчилик уртасида жуда катта қизиқиш уйғотган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» каби машҳур асарлари киритилган. Уларда буюк келажакка интилаётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таҳлил этилган.

114. **Маънавий юксалиш йўлида.** —Т.: Ўзбекистон, 1998.

Китобга И.А.Каримовнинг юксак маънавият, таълим-тарбиянинг куч-қудрати ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан олинган кўчирмалар киритилган бўлиб, уларда маънавий камолотга эришиш йўли белгилаб берилган ҳамда халқнинг бу борадаги орзу-умидлари ва ниятлари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маънавият ва тарихий қадриятларни тиклаш масалаларига доимий диққат-эътибори натижасида мамлакатда ўз тарихини, маънавиятини, руҳий-маданий қадриятларни англашга янгича ёндашиш жараёни бошланганлиги яққол сезилмоқда. Худди ана шу жараёнларнинг қай даражада кечаётганлиги ҳам китобнинг асосий мазмунини белгилайди.

Китоб 1991-1998 йиллардаги унутилмас саналар ва соҳалар солномаси билан якунланади.

Китобдан Ўзбекистоннинг тарихига оид рангли суратлар, И.А.Каримовнинг хорижий давлат раҳбарлари билан суҳбати чоғида олинган суратлар, табиий бойликларимиз, ўтмиш анъаналарига оид тасвирлар туширилган расмлар ҳам жой олган.

115. **Ҳамкорлигимизнинг ишончли кафолатлари.** —Т.: Ўзбекистон, 1999.

116. **Ватан озодлиги — олий саодат.** (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза. 1999 йил 19 август). —Т.: Ўзбекистон, 1999.

